

Ташбих — Шарк адабиётида кенг таркалган санъатлардан бири бўлиб, «ўхшатиш» маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги хакикий (реал) ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Ташбих санъати тасвирланаётган шахе, буюм ёки тушунчани ўкувчи кўз ўнгида аникрок, жозибалирок гавдалантиришга хизмат килиб, асар тимсоллари маънавий киёфасини ёркинрок очиш, бинобарин, шоир гоясини ўкувчи онгига тўларок етказишга имкон беради.

Масалан, Фуркатнинг

Лабинг гунча, юзинг икки кизил гул,
Кадинг сарву, сочинг гўёки сунбул

байтида маъшуканинг аъзолари аник нарсаларга: лаби гунчага, юзи кизил гулга, кадди сарвга, сочи эса сунбулга ўхшатилади. Бинобарин, бу ўринда хакикий ташбих қўлланилган.